

АДАБИЁТ ВА МАДАНИЯТ

УДК 811.111

DOI: 10.36078/ 1570170146

“ТЕМУРНОМА”ДАГИ УСЛУБИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК ВА БАДИИЙ ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАР



Илҳом Абдусаламович САЙИТҚУЛОВ

Ўқитувчи

Алишер Навоий номидаги

ТошДЎТАУ

sayitqulov86@mail.ru

Аннотация

Мақолада “Темурнома” жангномасининг услуги, ундаги насрий қисмнинг асар композициясидаги ўрни, қахрамон характерини ёритишда фойдаланилган бадий санъатларнинг аҳамияти ёритилган. Хусусан, халқ китобларининг насрий қисмида мавжуд анъанавий қолип – бошланма, киритма сўз, асардаги бобларни ўзаро боғловчи бирикмаларнинг “Темурнома”да қўлланилиши мисоллар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, жанг сахналаридаги қахрамонлар ҳаракатининг уч босқичда тасвирланиши, табиат ҳодисаларини бадий тасвир воситаларига боғлаб тадқиқ этиш асар мазмун-моҳиятини очишга хизмат қилган.

Калит сўзлар: эпос; халқ китоби; жангнома дoston; қахрамон; бадий санъат; услуб.

СТИЛИСТИЧЕСКИЕ И ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОИЗВЕДЕНИЯ «ТЕМУР-НАМЕ»

Илҳом Абдусаламович САЙИТҚУЛОВ

Преподаватель

Ташкентский государственный университет

узбекского языка и литературы

Ташкент, Узбекистан

sayitqulov86@mail.ru

Аннотация

В статье описывается стиль «Темур-наме», роль прозы в композиции, значение художественного искусства в описании героев персонажа. В частности, проза фольклора была проанализирована в ряде примеров с использованием традиционных шаблонных начал, префиксов и комбинаций глав в «Темур-наме». Трехэтапное изображение героев в батальных сценах, изучение использования художественных средств при описании природных явлений служили для демонстрации искусства произведения.

Ключевые слова: эпос; фольккнига (народная книга); сказание о битве; герой; художественное искусство; стиль.

STYLISTIC AND ARTISTIC FEATURES OF THE WORK “TEMUR-NAME”

Ilkhom Abdusalamovich SAYITKULOV

Teacher

Tashkent State University of
Uzbek Language and Literature
Tashkent, Uzbekistan
sayitqulov86@mail.ru

Abstract

The article describes the fight style of the “Temur-name”, the role of the prose piece in the composition, the importance of artistic art in describing the heroes character. In particular, the prose of folklore has been analyzed in a number of examples, using the traditional template beginnings, prefixes, and combinations of chapters in the work at “Temur-name”. The three-stage portrayal of heroes in battle scenes, the study of the use of artistic means of natural events served to show the art of the work.

Keywords: epos; folk book; legend of a battle-oda; hero; feature art; style.

“Темурнома”да воқеалар тасвири, баён этиш тартиби наср ва назм уйғунлик касб этган. Унда қаҳрамонлар ҳаёти, ички кечинмалари, жанг ва табиат тасвири асосан насрий усулда берилиб, муаллифнинг воқеликка муносабати, дostonда акс этган воқеалар асосида туғилган фалсафий хулосалари, ҳаёт ҳақиқатлари ҳақидаги ҳукми, қаҳрамонлар ҳолатидан келиб чиқиб яратганга, улуғ пир ва эранларга ҳамда ошиқ-маъшукларнинг мурожатлари шеърий шаклда ифодаланади.

“Темурнома”даги аксар насрий боблар халқ китобларининг анъанавий структурасига уйғун равишда қолип жумлалар билан бошланади. Фольклоршунос Б.Саримсоқов халқ китобларидаги бундай қолип жумлаларни: “Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор андоқ ривоят қилурларким” каби (кўринишга. – И.С.) эга бўлади” (4,157), деб кўрсатади. Биз машҳур халқ китобларида бу хил шакл вариантларининг қуйидаги кўринишларини учратишимиз мумкин: “Ровиёни дафтар ва ноқилони ҳикояти мўътабар шундоқ ҳикоят берибдурларки”(1, 8), “Ровий айтибдурки” (1, 10), “Алқисса, бу тариқа бирла...” (1, 30), “Алқисса, ровий айтибдурки, ...” (1, 212), “Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва муҳаддиси дoston ва бўстон андоғ ривоят қилурларким” (2, 8), “Алқисса андин сўнг...” (2,172).

“Темурнома”да анъанавий қолип бошламаларнинг қуйидаги шакллари кенг қўлланилади:

1) *“Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, ҳазрат Саййид Ота раҳматуллоҳ алайҳанинг муборак исмлари Саййид Аҳмад эрди...”* (3, 86);

2) *“Ровий айтурким, Бароқхон била Мирзо Жаҳонгир тўра иккови беодоблиқидин икки ойга етмайин ҳалок бўлдилар”* (3,157);

3) *“Алқисса, тўрт ойгача йўл кезиб, чўл кезиб кун юруб, тун юруб, неча тоғдин ва неча рогдин ўтуб, Хитой шаҳрини қалъасига еттилар”* (3, 214),

4) *“Аммо ровий дерким, бир кун Амир Соҳибқирон Искандари соний шон ва шавкат била тахт узра ўлтуруб эрдилар”* (3,269),

5) *“Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Амир Соҳибқирон форс мамлакатларини барчасини мусаххара қилмоқ учун умаро ва беклар бирла Кенгаиш қилуб, уч йилгача тахти ҳар қаерда бўлуб, қарор топмади”* (3, 206).

Шунингдек, асарда бир достондан иккинчисига *“Эмди сўзни Кошгарни саҳросидаги қалмоқлардин эшитмак керак”*(3, 211) ёки *“Бу, мунда турсун, эмди сўзни Тўхтамишхон подшоҳдин эшитмак керак”* (3, 205) жумлалари билан ўтилади. Бу эса халқ оғзаки ижодидаги достон жанрининг ўзига хосликлардан бири саналади. Хусусан, Жонмурод ўғли Пўлкан куйлаган “Зулфизар билан Авазхон” достонида “Энди бир сўзни Авазхондан сўранг” (5, 237), “Энди бир сўзни Нуралидан эшитинг” (5,237) каби жумлалар достондаги воқеалар ҳаракати алмашинувида кўприк вазифасини ўтайди.

“Алқисса” киритма сўзи “Темурнома”да алоҳида ўринга эга бўлиб, у нафақат фасл(достон)лар бошланмаларида, балки фасл ичида, муайян воқеанинг ўрин алмашинуви ёки воқелик баёнида муаллиф эътирофини кучайтириш мақсадида алоҳида сўз ҳамда фикрни таъкидлаш мақсадида ҳам қўлланилганлигини кузатишимиз мумкин. Достоннинг *“Бу достонда Мирзо Жаҳонгир Тўра ибн Амир Темур Балх юртига бориб, Бароқхон номехрибон тоғасини қўлида шаҳодат топгани. Амир Темур Соҳибқирон бориб, Бароқхонни ўлдуруб, андин кейин Ҳиндистонни мусаххара қилгонини баёни”* (3, 154) боби ўн саҳифадан иборат бўлиб, ўнта воқеа кетма-кетликда мазкур боб (достон) сюжетини ташкил этган. Улардан еттitasi “алқисса” киритма сўзи билан, иккитаси “андин кейин” ва биттаси “ровий айтурким”

кириш сўз ва жумлалари билан бошланган. “Алқисса” киритма сўзи қуйидагича қўлланган:

1. *“Алқисса, ўшул йилларда Самарқанд ичра хўжа Абдуллани қизи илми нужумга кўб маҳорат пайдо қилиб, ҳар кишини кўнглидаги сиррини айтур эрди”* (3,154) – бунда боб (достон) мавзусида келтирилган воқеалар рўй берган вақтга нисбат берилиб, Абдулла қизининг асар сюжети ҳаракатлантирувчи асосий восита эканлигига урғу берилган.

2. *“Алқисса, неча кун ўтгандин кейин Бароқхон бениҳоят аскар ва қўшун йиғиб, Развин шаҳри узра Султон Масъудга ёв қилиб юборди”* (3,155) — бунда воқеалар ривожиди қаҳрамон билан боғлиқ конфликт бошланаётганлиги таъкидланади.

3. *“Алқисса, Маҳмуда айдиқим, хон бирла Мирзо икковлари мани назримдин устунлар, қайси бирини ёқтурсам, они куёвлиқини хоҳлаюрман”* (3,157) — бунда ёр танлови жараёнида рақиблар — Бароқхон ва Мирзо Жаҳонгир ўртасидаги конфликтнинг кучайишига урғу берилган.

4. *“Алқисса, ўшул кун ичра тўрт ўглини бир-бир ўлдуруб, элтуб берди”* (3,158) — бунда Ҳиндунинг ўз аъмолига содиқлиги, бунинг учун фарзандларини ҳам қурбон қилганлиги таъкидланади.

5. *“Алқисса, Хўжа Порсо Бухорога келиб, андин кейин Соҳибқирон қошларига бориб, нури айнларини шаҳид ўғлонини бир-бир баён қилди”* (3,158) — асар бош қарамони Соҳибқироннинг яқинидан жудо бўлиш саҳнаси тасвири бўрттириб кўрсатилган.

6. *Алқисса, кофирлардин ҳам нақора, карнай овози келди, соатидан кейин Кунакдахат деган паҳлавон уч филни бир-бирига қўшуб боғлаб, устига темурдин хужра қилиб, ул хужра ичра ул кофири бадбахт мусулмонлар тарафга қараб келаверди”* (3,160) — бунда Соҳибқироннинг душманлари таърифига урғу берилиб, у орқали Амир Темур жасорати ёритилган.

“Алқисса, Камол хоним ўз юртига қайтти” (3, 162) — *Соҳибқирон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган малика — Камол хонимнинг оғир вазиятларда Амир Темурга ёрдам бериши кўрсатилади. Демак, “алқисса” кириш сўзи* маълум воқеаларнинг ўрин алмашинуви ёки воқелик баёнида муаллифнинг таъкидни кучайтириш билан бирга воқелар кечган вақтни алоҳида кўрсатишга хизмат қилади.

Тарихдан ҳам маълумки, Соҳибқирон Амир Темур умрининг асосий қисми сафарларда, жанг майдонларида кечган. “Темурнома” жангнома дoston бўлганлиги боис, унда жанг сахналари, қахрамоннинг жангдаги хатти-ҳаракатлари, жанг оқибатлари муболаға билан тасвирланади. Муаллиф асардаги жанг эпизодларини яратишда бир неча хил тасвирий воситалардан фойдаланган, хусусан, уларнинг аксарида жангнинг сўнгги, тугаш пайтида қахрамонларнинг ҳолати ва ҳаракати ўхшатишлар ёрдамида тасвирланади. Масалан, “*Бул тарафдин турк, ўзбаклар, ул тарафдин ҳинду бадрақлар ул қорасаклар бирла андоғ уруш қилдиларким, иккала тарафда ўлуклар ханнот кофидек туб-туб бўлуб қолаверди. Қазо дўкончилари бу юкларни адам аробасига солаверди. Тана фолизидин калла хандалаги узулуб, жасад фалаги чўзулуб қиру сойда ётаверди. Қонлар жилга-жилга бўлуб оқаверди. Ул кунда барчаларини ақли шошиб, қиргинлари ҳаддин ошиб, қизил денгиз тошиб, ҳинду бадбахтларни боши қора тарбуздек юмалануб, жасадлари даванг қабақдек ёрилиб, қўл-оёғлари тарракдек тириллаб, бодрингдек дириллаб, аъзолари узв бўлуб, бўлак-бўлак жузв бўлуб, ҳар ерда ўйнаб ётур эрди*” (3,161). Бу сахна сюжети таҳлилида тасвирни икки қисмга ажратсак мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Рақибларнинг олишув сахнаси. Бунда рақиблар тўқнашуви ифодаланади. Бу сахна юқоридаги тасвирда “*Бул тарафдин турк, ўзбаклар, ул тарафдин ҳинду бадрақлар ул қорасаклар бирла андоғ уруш қилдиларким...*” жумласи билан баён этилади.

2. Жанг оқибатлари тасвири сахнаси. Бу сахна ўз навбатида уч босқичдан иборат:

1) жангда ҳалок бўлганларнинг борар манзили тасвири — “*Қазо дўкончилари бу юкларни адам аробасига солаверди*”;

2) руҳи тарк этган жасад ҳолати тасвири — “*...ҳинду бадбахтларни боши қора тарбуздек юмалануб, жасадлари даванг қабақдек ёрилиб, қўл-оёғлари тарракдек тириллаб, бодрингдек дириллаб, аъзолари узв бўлуб, бўлак-бўлак жузв бўлуб, ҳар ерда ўйнаб ётур эрди*”;

3) тўқнашув оқибатини акс эттирувчи умумий тасвир — “*...иккала тарафда ўлуклар ханнот кофидек туб-туб бўлуб қолаверди... Тана фолизидин калла хандалаги узулуб, жасад фалаги чўзулуб қиру сойда ётаверди. Қонлар жилга-жилга бўлуб оқаверди. Ул кунда барчаларини ақли шошиб, қиргинлари ҳаддин ошиб, қизил денгиз тошиб...*”.

Юқоридаги тасвирдаги бадиий образларни эса қуйидагича таснифласак мақсадга мувофиқ бўлади:

Тушунча		Асардаги ўхшатишлар
I. Ўлим билан боғлиқ тасвирлар		
1	Ажал	қазо дўкончилари
2	Рухнинг жисмни тарк этиши	адам аробасиға солиш
II. Рухнинг жисмни тарк этиш пайтидаги инсон аъзолари ҳолатининг тасвири		
1	Инсон танаси	тана фолизи
2	Бош	қора тарбуз хандалак
3	Жасад (инсон оёғидан бўйнигача бўлган аъзолари – И.С.)	фалаги (палак. – И.С.)
4	Жисмнинг парчаланиши	даванг қабақдек ёрилиш
5	Қўл-оёғлар ҳолати	тарракдек тириллаб, бодрингдек дириллаши
III. Жанг тугагандан кейин, унинг оқибатлари тасвири		
1	Жонсиз жасадларнинг майдондаги ҳолати	ханнот қофидек туб-туб бўлуб қолиши
2	Жанг майдонидаги қон	қизил денгиз

Асарнинг жанг сахналарида бу каби тасвирлардан кенг фойдаланилган бўлиб, баъзи ўхшатишларда фарқли тасвирий воситаларни кўришимиз мумкин. Лекин кўп ўринларда тасвир бир хилликни ташкил этади. Масалан, “*Мирзони аскарни андоғ қирилдиким, қонлар жилга-жилга бўлуб оқаверди, ажал дехқони жасад фалакидин калда хандалакини узуб, фалокат аравосига ортаверди. Бошлар сой тошларидек бўлуб, жасадлар ханнот қофидек тўда-тўда тўфлануб қолаверди. Қазо вагончиси адам релига бу юкларни солаверди*” (3,198). Бу тасвирда қуйидагича ўхшатишларни кўришимиз мумкин:

Тушунча		Асардаги ўхшатишлар
I. Ўлим билан боғлиқ тасвирлар		
1.	Ажал	деҳқон қазо вагончиси
2.	Рухнинг жисмни тарк этиши	жасад фалакидин калда хандалакини узуб фалокат аравоси

		адам релиға
II. Рухнинг жисмни тарк этиш пайтидаги инсон аъзолари ҳолатининг тасвири		
1.	Инсон танаси	тана фолизи
2.	Бош	сой тошлари хандалак
3.	Жасад (инсон оёғидан бўйнигача бўлган аъзолари. — И.С.)	фалаги (палак. – И.С.)
III. Жанг тугагач унинг оқибатлари тасвири		
1.	Жонсиз жасадларнинг майдондаги ҳолати	ханнот қофидек тўда-тўда тўфлануб қолаверди

Бу ўхшатишлар жангноманинг жанр талабларидан келиб чиққан бўлиб, асар бадииятини акс эттиради. Шунингдек, асарда куннинг маълум бир пайтларини табиат ҳодисалари билан ифодаланганлигини кўришимиз мумкин. Муаллиф баъзи ўринларда вақтга ўзи изоҳ бериб кетади. Масалан, “*Элчи кучук бирла кириб, қабри шарифдин Тегина Бегим моҳни ўгли бирла олиб чиқти. Анда қуёш амири офоқ сандуқина беркинди. Мухолиф юлдузлари кўк сафҳасида жилва қила бошлади, яъни кун кеч бўлуб қоронгу бўлди*” (3,53). Баъзи ўринларда эса муаллиф бу ҳодисага изоҳ бермайди. Жумладан, “*Алқисса, уч кун қуёш товусини Мағриб денгизини наҳанги ютти, кундуз шунқорини тун қарғаси қувлаб, беркитти. Андин иккала подшоҳ икки сари бўлунуб ўринларида қарор олдилар*” (3, 147). Бу тасвирларда асосан ўхшатиш ва қаршилантириш санъати қўлланилган. Юқоридаги мисолда ҳам “кун қуёш товуси” билан “Ғарб денгиз наҳанги”и (олов ва сув қаршилиги. — И.С.), “кундуз шунқори” билан “тун қарғаси” (оқ ва қора. — И.С.) бир-бирига қарши қўйилиб, табиат ҳодисалари мавжудотларга ўхшатиш билан Бундай тасвирлар асрнинг бошқа ўринларида ҳам такрорланади. Масалан, “*Ул кун кеч бўлуб, куёш Юнусин шафақ денгизин балиги ютти. Кундуз шунқорин тун қарғалари қувлаб беркитти*” (3, 264).

Баъзи ўринларда вақт инсон фаолияти билан боғлиқ рутбаларга ҳам қиёсланади. Масалан, “*Ҳар қайси баҳодур арслон каби бўлуб, бошлуқлари Соҳибқирон, Мирзо Жаҳонгир бирла хонга арз қилуб, маълум қилдилар, маслаҳат бирла ўлтуруб, ул кун кеч бўлгоч, тун амири боши узра қора чодир солди, юлдуз аскарлари кўк майдонини олди*” (3, 148). Бунда тун (оқшом) амирга қиёс қилиниб, тун бағридаги юлдузлар аскарларга менгзалмоқда.

Шунингдек, муаллиф бундай турдаги баъзи тасвирларда хусни таълил санаътидан ҳам маҳорат билан фойдаланганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, “*Ўшул кеч қуёш қуёви юзи шафақ қизариб зойиб бўлганидин тун келини ғам ва андуҳда бўлуб, боши узра қора чодрани солганидин кейин, Иноқ расми айёрлиқда ўзин тузатиб, Амир Темур иккови кеча била хандак ёқасига келдилар*” (3,103). Бунда муаллиф қуёви ғойиб бўлганидан ғам-андуҳда қолган келиннинг бошига қора чодрани солганлиги сабабли тун бўлганлигини кўрсатилмоқда. Ва бунда эркак ва аёл бир бирига зид кўйилмоқда.

Юқоридаги тасвирларда кун ўз ўрнини тунга бўшатиб берганлиги, окшом вақти ҳақида тасвирларни кўрдик. Асарнинг бошқа ўринларида туннинг тонг билан алмашиш вақти ҳам кўрсатилади. Масалан, “*Алқисса, тонгласи куффор зулумоти беркунуб, қуёш сайёди кўк майдонига чиқуб, олам мўъмин кўнглидек зиё тонуб эрди*” (3, 91). Демак, асар воқеалар баёнида вақтнинг икки пайти — қуёш ботиши — тун ва қуёш чиқиши — тонг бадий воситалари орқали тасвирланган.

Асарда муболаға санаътидан ҳам кенг фойдаланилган. Жумладан, “*Иноқ ҳозир бўлуб, ўзини ҳаким суратида қилуб, ман жарроҳлиқни яхши билурман деди. Муни ҳам ўрдага бирла олиб келдилар. Иноқ Қозагонга секин айди: Эй амир бегим, ман тилим била тўхтаб қолган қонларни ялаб олурман, сиз сабр қилуб, сира оҳ-воҳ деманг, андак тоқат қилурсиз. Қозагон қабул қилди. Анда кал Иноқ калласини ёрилган еридин андоғ сўруб торттиким, мағзи миясизгача қолмади. Қозагон кофир андоғ тинчиб ухладиким, лаъин хон томуғ саризга бориб асло келмади*” (3,108).

Демак, “Темурнома”да қўлланилган бадий тасвир воситалари ушбу туркум асарлар яратилишида халқ дostonларининг катта таъсири бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек, юқоридаги таҳлиллар натижасида халқ китобларидаги барқарор эпик формулалар, стилистик ва бошқа анъанавий шаклларнинг асоси йиллар давомида халқ эпик тафаккурининг маҳсули саналган халқ дostonлари эканлиги ойдинлашади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Муслим жангномаси. — Тошкент, 1996. — 286 б.
2. Иброҳим Адҳам қиссаси; Амири Ахтам қиссаси; Бобо Равшан қиссаси. — Тошкент: Ёзувчи, 1991. — 279 б.
3. Темурнома. Амир Темур жангномаси. — Тошкент: “Чўлпон” нашриёти, 1990. — 349 б.
4. Ўзбек адабиёти тарихи (3-том). — Тошкент: “Фан” нашриёти, 1978. — 286 б.

5. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик: Ҳасанхон. Чамбил камали. Зулфизар билан Авазхон. — Тошкент: Гафур Гулом нашриёти, 1976. — 358 б.

REFERENCES

1. *Abu Muslim zhangnomasi* (The Battle of Abu Muslim), Toshkent, 1996, 286 p.
2. *Ibrohim Adham qissasi; Amiri Ahtam qissasi; Bobo Ravshan qissasi* (The story of Ibrahim Edham; the story of the Amir of Ahtam; the story of Baba Rovshan), Tashkent: Yozuvchi, 1991, 279 p.
3. *Temurnoma*, Toshkent: Chulpon, 1991, 352 p.
4. *Uzbek adabijoti tarikhi* (History of Uzbek literature), Vol. 3, Tashkent: Fan, 1978, 286 p.
5. *Uzbek halq ogizaki izhodi*, Zulfizar bilan Avazhon (Oral creativity of Uzbek people. Zulfizar and Avazhan), Tashkent: Gafur Gulom, 1976, 358 p.